

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељагаи  
буюк  
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 13 март, № 50 (8393)

Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯСИ ВА ЭЛ-ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ЙЎЛИДА ҲАЛОК БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ХОДИМЛАР ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзолари ҳамда уларнинг қарамоғидаги шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик қилиш ва хурмат-эҳтиром кўрсатиш, шунингдек, жамиятда эзгулик, ҳамжихатлик ва инсонийлик муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Божхона қўмитаси ва Электрон технологияларни ривожлантириш марказининг (кейинги ўринларда — масъул вазирлик ва идоралар) Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимларнинг оила аъзолари ҳамда уларнинг қарамоғидаги шахсларга (кейинги ўринларда — ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) куйидаги **имтиёз ва кафолатлар** берилсин:

а) **2023 йил 1 апрелдан бошлаб:**  
ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи (ходим) оила аъзоларига бийрула бериладиган нафақа марҳумнинг охири эгаллаган лавозими бўйича маоши ва ҳарбий (максус) унвони маоши йиғиндисининг **150 баравари** миқдорида белгилансин;

ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) давлат мажбурий шахсий сугуртаси доирасида ҳарбий хизматчи (ходим) ҳалок бўлганда тўланадиган сугурта суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг **200 баравари** миқдорида белгилансин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари улар томонидан белгиланган миқдорларда (меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 50 фоизигача бўлган суммадан ошмаган ҳолда) маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) тегишли ҳудудда истикомат қилувчи оила аъзоларига **ҳар ой тўланадиган нафақа** тайинлаш тартибини белгилаш ҳуқуқи берилсин;

б) **2023 йил 1 майдан бошлаб:**  
оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотгани пенсияси пенсияни ҳисоблаб чиқиб унун олинмаган пул таъминотининг (иш ҳақининг) **50 фоизи** миқдорида белгилансин;  
оила аъзолари (ота-ониси, турмуш ўртоғи, 23 ёшга тўлмаган фарзандлари) даромадлар қайси ойда олинган бўлса, уша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **3 баравари** миқдоридаги даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғидан озод этилсин;

белгиланган тартибда тураржойга муҳтож деб тан олинган тақдирда, тураржой билан **биринчи навбатдаги тартибда** таъминлансин;

қонунчиликда белгиланган ҳарбий хизматчиларга (ходимларга) тураржой сотиб олиш (қуриш) учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш тартибига мувофиқ **узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитларини олиш ҳуқуқи** сақлаб қолинсин;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) янги никоҳга кирмаган турмуш ўртоғи ва (ёки) ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) қарамоғида бўлган ота-онасидан бирига Ўзбекистон Республикаси Куролли Кулларининг ҳарбий хизматчиларига тураржойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун **ҳар ойлик пул компенсациясини тўлаш тартиби татбиқ этилсин** (мулкда тураржой бўлмаган тақдирда).

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2023 йил 1 июндан бошлаб:**

а) ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) фарзандлари мактабга таълим муассасаларида **бепул тарбияланиши**, шунингдек, профессионал ва олий таълим муассасаларида **давлат гранти асосида қўшимча квоталар** бўйича таълим олиши таъминланади;

б) ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) ота-оналари йилга икки марта **темир йўл ва ҳаво йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи** берилади;

в) ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) оила аъзоларига:

ушбу ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) хизматни ўтаган масъул вазирлик ва идораларнинг тегишли муассасаларида **бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи** сақлаб қолинади, шунингдек, тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида тиббий ёрдамни **устувор равишда** олиш ва **навбатдан ташқари** шифохонага ётқириш имконияти яратилади;

юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт ташкилотлари томонидан Давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан **бепул тиббий ёрдам** кўрсатилади;  
навбатдаги йиллик меҳнат таътилидан **қулай вақтда** фойдаланиш, шунингдек, йилга **икки ҳафтагача муддатга** иш ҳақи сақланмайдиган **қўшимча таътил олиш ҳуқуқи** берилади.

3. Масъул вазирлик ва идоралар Давлат бюджетидан уларга ажратилган маблағлар ва бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) оила

аъзолари учун уларнинг муносабатларига асосан куйидагиларни таъминласин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги **санаторий-курорт муассасалари** ва **болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида** йилига бир марта **бепул соғломлаштириш**; шифокорларнинг рецептларига асосан 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб **дори воситаларини** (йилига бир марта), **тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламаларини** олиб бериш ҳамда **жарроҳлик амалиётларининг** харажатларини қоплаш; **оғир ташхисли** касалликлари ҳамда **ногиронлиги** бўлганларга шифокорларнинг рецептларига мувофиқ, йилига бир марта дори воситаларининг **50 фоизигача бўлган суммасини** компенсация қилиш.

4. Ушбу Фармонда (1-банд "а" кичик бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида ташқари) белгиланган имтиёз ва кафолатлар **1991 йил 1 январдан бошлаб** мазкур Фармон **кучга киргунга қадар** ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) оила аъзоларига нисбатан ҳам татбиқ этилсин.

5. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Божхона қўмитаси ва Электрон технологияларни ривожлантириш маркази ҳар бир ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) оиласини **оталиққа** олсин.

Бунда:

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) оила аъзоларидан **хабар олиниши**, уларнинг уй-жой билан таъминланиши, ишга жойлаштириш, таълим олиш, тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш ҳамда бошқа долзарб масалалари **ўзганилиши** ҳамда **мавжуд муаммолари ҳал қилиниши**, мазкур Фармон ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган **имтиёз ҳамда кафолатлардан фойдаланишда амалий ёрдам** кўрсатиб борилиши таъминлансин;

масъул вазирлик ва идораларнинг **биринчи раҳбарлари** мазкур бандда белгиланган вазифаларнинг сифатли бажарилишига шахсан жавобгар этиб белгилансин;

масъул вазирлик ва идораларда умумий шатлар сони доирасида уларнинг биринчи раҳбарларига мазкур бандда белгиланган вазифаларни бажаришга қўмақлашадиган **маслаҳатчи** лавозими киритилсин ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) оилалари билан доимий алоқани ўрнатиш учун **ишонч телефонлари** ишга туширилсин;

мазкур банд ижроси натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар ойда **ахборот** қилиб берилинсин.

6. Мудофаа вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар билан биргаликда **ишчи гуруҳлар** тузган ҳолда:

**икки ой муддатда** мазкур Фармоннинг 1, 2 ва 3-бандларида назарда тутилган **ҳар бир имтиёз ва кафолатни тақдим этиш тартибини** белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини;

**2023 йил 1 декабрга қадар** "Фахрийлар тўғрисида"ги, "Ҳарбий хизматчилар мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва "Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур Фармон ижросини таъминлаш учун 2023 йилда вазирлик ва идораларга Давлат бюджетидан зарур маблағларни ажратсин, 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджетидан параметрларини шакллантиришда зарур маблағларни назарда тutsин.

8. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг ёритилишини таъминласин.

9. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мудофаа вазири Б.Н.Курбанов, ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов, Давлат хавфсизлик хизмати раиси А.А.Азизов, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раиси А.А.Усмонов ва Миллий гвардия қўмондони Р.М.Джурраев белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши қотиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 13 март

### Ҳамкорлик

## БОКУ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ТАДБИРКОРЛАРИ ИШТИРОКИДА БИЗНЕС АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мамлакатимизнинг Озарбайжондаги элчихонаси томонидан Бoku шаҳрида Ўзбекистон Бизнес ва саноат кенгаши ҳамда "Founder club" ассоциацияси билан ҳамкорликда икки мамлакат тадбиркорлари иштирокида бизнес форум ташкил қилинди.

Тадбирда сиёсий, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Озарбайжон Миллий Мажлиси депутатлари Рази Нуруллаев, Вугар Искандаров ва Мушвиг Жафаров нутқларида Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари тарихи, урф-одатлари, тили, маданияти ҳамда менталитетининг муштараклиги ва ўхшашлигига асосланган ривожланиш суръати юқори баҳоланди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарлари ўртасида яқин ва ишончли алоқалар ўрнатилгани давлатлараро муносабатларда тарихий ва унутилмас воқеалар учун мустаҳкам замин яратгани алоҳида таъкидланди. Олий ва юқори даражадаги ташрифларнинг тез-тез уюштирилиётгани бунга мисол тарихида тилга олинди. Буларнинг натижаси ўлароқ ўзаро алоқаларни турли йўналишларда ривожлантириш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Мазкур бизнес анжуман ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишига қатъий ишонч билдирилди.

Тадбирнинг расмий очилиш маросимидан сўнг икки мамлакат тадбиркорларининг "B2B" учрашувлари бўлиб ўтди.

Бизнес форуми доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар товарларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

«Дунё» АА.  
Боку

### Президент ташрифидан сўнг

## ҚАШҚАДАРЁНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ — ХАЛҚНИНГ БАХТУ САОДАТИ



Инсон ҳамisha нурга, эзгуликка талпинганидек, ободлик ва фаровонлик ҳам бугундан кўнгли тўқ, ёруғ келажак йўлида дадил олга бораётган мамлакатда янада кенг қўл оч эсади. Бу кейинги йилларда шахар ва қишлоқларимизнинг янги-на қиёфа касб этаётгани мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда, хусусан, Қашқадарё вилоятида олиб борилаётган изчил ислохотлар самараси ўлароқ кўзга ташланаётган янгиликлар шиддатини, фаровон ҳаёт маромини воҳа аҳли шўқронлик билан тилга олмақда. Асосийси, бундай янгиликлар тўғрисида

одамларнинг тафаккури, яшаш тарзи, меҳнатга муносабати бутунлай ўзгармоқда. Зотан, бугун амалга оширилаётган барча эзу ишларнинг замирида, аввало, халқимиз манфаати муҳасам, "Инсон қадри учун" тамойили устувордир.



### Бизнинг суҳбат

## МЎЪЖИЗАКОР, БЕБАҲО БАДИИЙ ҚОМУС

Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати ўзининг бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда катта аҳамиятга эга.

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ артисти Матлуба ДАДАБОВЕВА билан суҳбатимиз ҳам мақом санъатининг сеҳри, ҳозираси, мамлакатимизда ушбу мақом меросининг нуфузини янада кўтариш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида бўлди.

— Мақом санъати ривожига ҳисса қўшган, минглаб муҳлис орттирган ижодкор сифатида айтилган, ушбу бебаҳо маънавий дурдонанинг асллар мобайнида яшаб келаётгани боиси нимада?

— Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати ўзининг қадимий тарихи, теран фалсафий илдизлари, бетақорор бадий услуби ва бой ижодий анъаналари би-

лан маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Унинг кўнглиларни ром этадиган оҳанглари миллий руҳиятимизга монанд.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, биз учун бебаҳо бадий қомус бўлган мақом санъати асллар, неча юз йиллар давомида инсон руҳини, унинг дарду армонларини, эзу интилишларини юксак пардаларда ифодаб келмоқда. Фиримча, ушбу санъатнинг умр-боқийлик сири мана шунда.



## МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ — БЕМИННАТ ҚУВВАТ МАНБАИ

Бу йилги қиш энергетика тизимига ойна тутди. Муаммо ва камчиликлар кўзга яққол кўринди. Эндиги асосий вазифа — бу йилги муаммолар кейинги йилда такрорланишига йўл қўймаслик. Шу мақсадда мамлакатимизда энергетика самарадорлигини ошириш, тежамкорлик бўйича ишланмаларни жорий этиш, энергиянинг қайта тикланувчи ва муқобил турларини ишлаб чиқариш муҳим вазифа сифатида қаралмоқда.

Умуман олганда, дунё миқёсида электр энергия тақчиллиги жиддий муаммога айланяпти. Албатта, бу каби оғриқли кутилмаларни бартараф этиш йўллари ҳар бир давлатнинг ички имкониятларига боғлиқ. Хусусан, мамлакатимизда ҳам бундай муаммоларни ечиш бўйича ўзига хос усуллар ишлаб чиқилмоқда. Электр энергиясини тежашнинг муқобил варианты — қуёш панелларидан фойдаланишдир.



# ҚАШҚАДАРЁНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИ — ЖАЛҚНИНГ БАХТЛУ САОДАТИ

## Барчаси инсон қадри учун

Авалло айтш жои, олиб борилаётган шиддатли ислохотлар самараси ўлароқ, бугунги кунда вилоят том маънода санаятлашган, электротехника ва IT технологиялари жадал ривожланаётган улкан салоҳиятга эга ҳудудга айланган. Албатта, ҳалқ кўз ўнгидеги рўй бераётган бундай ҳаётий янгиланишлар уларнинг орзу-умидлари рўйбига ишончини янада юксалтирмоқда.

Оқдир бир мисол келтиришдан бўлса, узоққа бормайлик, 2016 йилда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 20 трлн. 164 млн. сўм эди, ҳолос. Бу кўрсаткич 2022 йилга келиб, 49 трлн. 521 млрд. сўмга етгани ёки 2,5 бараварга кўпайгани ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бу — ислохотлар шиддатидан, эртанги кунни кўра билиб, олиб бориладиган саяё-ҳаракатлар самараси десак, адолатдан бўлади.

Ўтаётган ҳар бир кун эртага тарихга айланади ва ундан сабоқ чиқариш, келажак истиқболини белгилаб олиш жуда муҳим. Буни 2016 йилда санаят маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражаси 9 трлн. 632 млрд. сўм ҳажмида қайд этилиб, 2022 йилда 22 трлн. 815 млрд. сўмга кўтарилгани аққол исботлаб турибди. Агар кейинги олти йилда Қашқадарёда санаят соҳасида мегалойихалар амалга оширилиб, чўп бағрида "O'zbekiston GTL" каби гигант корхона барпо этилганида бундай ўсишни ҳаёлга ҳам келтириб бўлмасди.

Вилоят иқтисодидеги кейинги олти йилда экспорт ҳажми рогпа-росса 10 баравар ўсгани кимда ҳайрат уйғотмайди, дейсиз. Бу кўрсаткич 2016 йилда 29 млн. доллардан 2022 йилга келиб 294 млн. долларга кўтарилгани ҳазиллакам иш эмас.

Президентимизнинг қабул қилаётган қатор Фармон ва қарорлари ҳалқ дилидаги, тилининг учидеги муаммоларга ечим бўлиб хизмат қилаётганини одамлар мануният билан эътироф этмоқда. Атрофи тоғу тошлар билан ўралган, узунёққ қиру даладари туташиб кетган Деҳқонobod қишлоқларига тоза ичимлик суви бериши кишлоқ аҳолининг етти ухлаб туриши ҳам қирмаган эди. Бугун эса мўъжиза рўй берди. "Оқсув — Деҳқонobod" лойиҳаси асосида қувурлар тортилиб, Деҳқонobod-да тоза ичимлик суви билан бирга жўшқин ҳаёт кириб борди. Халқнинг энгил нафас олиши, ҳаётдан розилиги ва юрт истиқболига ишончи амалий саяё-ҳаракатларда ўз аксини топаётганига аниқ мисол бу.

Ахир 2016 йилда вилоятнинг бор-йўғи 37 фоиз аҳолиси ичимлик суви билан таъминланган эди ва 2022 йилда бу ҳажм 52 фоизга кўтарилгани замиридан халқни ўйлаб қилинган катта меҳнат ётибди. "Инсон қадри учун" эзгу гоёсининг халқчил ва инсонпарварлиги намунаси бу.

— Халқимиз Президент ташрифини жуда орзиқиб кутаётган бўлиб қолди, — дейди **Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдурахим Эржаев**. — Чунки иқтисодий-и оласизми, ижтимоий ҳаётни оласизми, албатта, салмоқли янгиланишлар бўлади. Қисқача айтганда, Президент ташрифи доимо янги режалар, янги дастурлар ташрифи бўлади. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Қашқадарёда 6 та янги корхона очилди. Республикада биринчи бўлиб вилоятда сунъий тола ишлаб чиқариляпти. Яна 3-4 та туманда ўзининг филиалларини очаяпти. Булар нафақат ишсизликни бартараф этишга, халқимизнинг касбий савиясини ўстиришга қаратилган. Бу — энг замонавий электрон қурilmаларни, IT технологияларга асосланган конвейерларни бошқариш, дегани. Мутахассисларнинг техник савияси, касбий ва билим савияси ошишига қаратилган янгиллик. Ана шу орқали биз рақобатбардор бўла оламиз. Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил сийосатнинг натижаси бу. Бу сийосатнинг асосчиси, меймори ким эканини ҳам мамиз яхши биламиз. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқизига хизмат қилиши керак" деган тамойилни амалга оширишда Президентимиз шахсий намуна кўрсатаяпти.

## Билимли ёшлар — мамлакат ютуғи

Ҳар кимнинг ҳам яхши ишлаб, кўп пул топишга, ҳаётдаги орзу-ниятларини рўйбига чиқаришга ҳаққи бор. Бу орзу-ниятларга фақат билимли бўлиб, касб-хўна эгаллаётганига етишиш мумкин. Янги ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш

каби мустаҳкам бўлади. Зеро, фарзанд таълим-тарбияси — энг биринчи галдаги вазифа экани, таълим билан бирга уларга касб-хўна ҳам ўргатиш муҳимлиги юқори минбарларда бот-бот такрорланмоқда.

— Бизнинг мактабда ўқувчиларга ўз устида ишлаш учун катта имкониятлар яратилган, — дейди **Қарши туманидаги 71-мактаб директори Элдор Исмоилов**. — Алоҳида лаборатория бор, IT ва робототехника, ёшларнинг гоёларини қўллаб-қувватлаш учун стартап хоналар мавжуд. Замонавий спорт зали, ошхона... Энг кераклиси, ўқувчилар куннинг иккинчи ярмида бўш вақтини бекор ўтказмаслик учун мактабимизда хўнар ўрганиш маркази ташкил этилган. Бу ерда ўғил-қизларга ўндан зиёд касб-хўнарлар қўйилмоқда. Болалар ўзи танлаган касбга йўналтирилади. Тикувчилик, заргарлик, сантехник, пайванчи, аёллар ва эркаклар саратори, пазандачилик, қандолатчилик, дурадгорлик каби касбларга ёшларимизнинг қизиқиши жуда юқори. Қолаверса, бу ерда болалар ишлаб пул ҳам топади.

Эътироф этиш жоиз, мактабимиз Президент ташаббуси билан барпо қилинди. Чунки бизнинг маҳалламиз вилоятнинг энг чекка ҳудудига жойлашган. Илгари маҳалламизда мактаб йўқ эди. Энг яқин мактаб 8 — 10 километр узоқликда жойлашган. Баъзи болалар Қарши шаҳридаги мактабларга қатнаб ўқишга мажбур эди. Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида мактабимизга келиб, илм даргоҳимизга энг иқтидорли 18 нафар ўқитувчи 300 ўқитувчи орасидан танлаб олингани, ўқувчилар икита хорижий тилини ўрганаётганидан жуда мамнун бўлди.

Умуман олганда, вилоятда яқин-яқин йилларга ҳам пахсадевор мактабларни учратиш мумкин эди. Бугун эса улар кескин қамаяпти. Мавжуд мактаблар реконструкция қилиняпти, янгилари барпо этиляпти. Масалан, 2022 йилда вилоятда 3 та янги мактаб қурибди. Утган йили вилоятда мактаб битирувчиларининг олий ўқув юртига кириш даражаси 24 фоизга кўтарилди.

— Сўнгги йилларда давлат тили каби хорижий тилларни ўрганишга ҳам эътибор ошиб бормоқда, — дейди **Қарши давлат университетининг француз тили ва адабиёти ўқитувчиси**

хўнарни бир-бири билан чамбарчас боғлашга қаратилган. Қашқадарёда 1000 дан ортиқ мактаблар бўлса, яқин-яқингача уларнинг аксарияти хашар йўли билан пахсадан қурилган эди. Айниқса, чекка ва олис ҳудудлардаги мактаблар ҳолати кишида ачинаш ҳиссини уйғотарди. Буни илмга, маърифатга нисбатан адолатсизлик, деб баҳоласак, ўринли бўлади. Давлатимиз раҳбарининг "Маърифатсиз наҳот йўқ" эзгу тамойили асосида вилоят мактабларига янги руҳ, янги ҳаёт кириб келди. Сўнгги уч йилнинг ўзидеги вилоятда 215 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, 421 та билим ўчоғи тўлиқ жиҳозланди. 100 га яқин янги, замонавий ўқув муассасалари қурибди.

## Касаначилик маркази — маҳалланинг драйвери

Қарши туманидаги Янги Батож маҳалласида аҳолининг камбағал ва эҳтиёжман қатламлари манзилли ижтимоий химоя тизими билан қамраб олинмоқда. Маҳаллада эҳтиёж юқори бўлган замонавий касб-хўнага ўқитиш орқали аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Яқинда маҳаллада касаначилик марказининг иш бошлагани кўплаб ишсиз ва хўнарсиз хотин-қизлар ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди.

Айни пайтда марказда чарм-пойабзал, тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш, гиламдўзлик, турли маиший буюмлар ҳамда миллий хўнарамдчилик бўйича билимлар бериляпти. Марказда ҳоким ёрданчи ва хотин-қизлар фаоли томонидан ишсиз хотин-қизлар аниқланиб, уларнинг қизиқишларига қараб усталар бириктирилмоқда.

— Давлатимиз раҳбари ташрифидан маҳалла аҳолининг қувончи ичига сизмай кетди, — дейди **халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутаты Исмигул Хўшмуродова**. — Айниқса, касаначи аёллар кайфияти кўтарилиб, ишга иштиёқи янада юксалди. Бугун улар билан суҳбатлашсангиз, гап айланиб, давлатимиз раҳбари билан қўлингиз суҳ-



мумкин. Бу билан юзлаб ёшлар ва хотин-қизлар ўзлари учун зарур бўлган меҳнат стажига эга бўлиш баробарида, хўнарлари ортидан фаровон яшаш бахтига муяссар бўлишди.

— Мен Янги Батож маҳалласида яшовчи 20 нафар ишсиз аёлни жалб қилиб, Шахрисабз ироқи каштачилиги касаначилигини йўлга қўйдим, — дейди **Шахрисабз туманидаги хўнарамдчилик кластери раҳбари Нодир Маннонов**.

— Касаначилар хомашё топиш, тайёр маҳсулотни бозорда сотиш ҳақида ўйлашмайди. Чунки биз хомашёни етказиб бериб, тайёр маҳсулотни улардан сотиб оламиз. Бундай иш услуби қишлоқ аёлларига жуда мос келяпти. Шунинг учун касаначилар сонини келгусида ишсиз хотин-қизларни жалб қилиш ҳолда 100 нафарга етказиш бўйича иш олиб бораёلمиз.

Янги батожликлар бу маҳалла 2021 йилда Президентимиз томонидан ташкил этилгани ҳақида фахрлиги гапиряпти. Маҳалла раиси Акбар Хидировнинг айтишича, давлатимиз раҳбарининг ташрифидан сўнг одамлар кайфиятида кўтаринчилик ошди.

қизларни касб-хўнарга ўқитиш бўйича дастур белгилади.

## Ҳарбий учувчи кадрлар тайёрлаш эътиборда

Ҳарбий ҳаво кўчлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа дунёнинг энг кучли давлатлари армияларининг биринчи стратегик максатидир. Шу боис мамлакатимиз армиясини замонавий қурол-аслаҳа ва жанговар техника билан таъминлаш, жумладан, ҳарбий авиация ва ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини ривожлантиришга устувор масала сифатида қаралаётди.

2018 йилнинг январь ойида Президент Шавкат Мирзиёев Хонобод аэродромида бўлган эди. Олий Бош Қўмондон ҳарбий учувчилар тайёрлаш ва уларнинг амалий машғулотлар олиб боришида объектнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида Жижзах олий ҳарбий авиация билим юртини Қарши шаҳрида қайта ташкил этиш тақлифини берди.

Шундан сўнг Қарши шаҳрида Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилди.

— Олий Бош Қўмондоннинг ташрифи курсантларимизни ҳарбий учувчилик касби шарафини янада чуқурроқ ҳис қилишга ундади, — дейди **Ўзбекистон олий ҳарбий авиация билим юрти тарбиявий ва мафқуравий ишлар бўлими катта офицери, капитан Элёр Холматов**. — Сирасини айтганда, курсантлар тушлик чоғида Президент билан кечган қизгин суҳбатларни ҳеч қачон унутмайди. Ҳарбийлик машаққатли касб. Юртга садоқати юксак йигитлар учун бу қийинчиликлар ҳеч гап эмас. Президент билан курсантлар ўртасида жуда мароқли суҳбат бўлиб ўтди. Албатта, билим юртида курсантлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Шиддат билан ривожланаётган бугунги замон учун ҳарбий ватанпарвар кадрларга талаб катта ва буни йигитлар юрдадан ҳис қилиб, касбни астойдил ўрганишмоқда.

Моҳир учувчи бўламан деган курсант вақтининг 60 — 70 фоизини амалий машғулотларда ўтказиши лозим. Шу маънода, ҳарбий авиация билим юрти Хонободдаги ҳарбий базага яқин ҳудудда жойлашгани амалий машғулотлар учун қўлайлик яратмоқда. Курсантлар ўртасида маънавий-маърифий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Айниқса, "Халқ ва армия бир тану бир жон" мавзусида маҳалаларда ўтказилаётган учрашу ва мулоқотларга бўлажак Ватан химоячиларининг қизиқиши ортиб бормоқда.

## Тадбиркорлик ва туризм тараққиётининг кўш қаноти

Қарши шаҳридаги "Буюк Турон" кичик санаят зонасида янги авлод телевизорлари ишлаб чиқараётган "Алп Техно Сервис" корхонаси ишчи-ҳодимларининг кайфияти кўтаринки ва ишга иштиёқи ортиб бормоқда.

— Бунинг асосий сабаби шундаки, давлатимиз раҳбари корхонамизга келиб, ишчи-ҳодимлар билан юзма-юз мулоқот қилди, уларнинг ҳаёти, келгусидаги орзу-интилишлари билан қизиқди, — дейди **корхона раҳбари Шўхрат Муродов**. — Корхонамизда янги авлод телевизорлари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳани ишга

туширдик. Бунда электротехника санаятига энгиллик ва имтиёзлар берилгани кўл келди. Бунинг самараси ўлароқ ҳозирги кунда телевизорларнинг бошқарув платаси маҳаллий дастурчилар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Йил охирига қадар маҳаллаштираш даражаси 75 фоизга етказилади. Бу ҳақда Президентимизга батафсил гапириб бердим. Фаолиятимизни янада кенгайтириб, маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш бўйича ҳам фикр юритдим.

Корхонада 70 киши иш билан банд этилган бўлиб, келгусида яна 30 та янги иш ўрни яратиб қўйилган. 120 миңг донга телевизор ва монитор ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада жорий йилда маҳсулот экспортини 6 млн. долларга етказиш мўлжалланмоқда.

— Вилоятимизда туризми ривожлантириш учун катта потенциал мавжуд, — дейди **Шахрисабз тумани ҳокимининг инвестициялар, санаят ва савдо масалалари бўйича ўринбосари Мўхаммадхон Абдулҳаеров**. — Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифи пайтида Шахрисабз, Китоб, Қамаш ва Яққабот туманларида туризм салоҳияти имкониятларидан яхши фойдаланилаётгани ҳақида айтиб, Шахрисабз — Қарши — Самарқанд йўналишига электрорезиди қўйиб, йўловчи оқимини оширишдек муҳим вазифани берди. Бу туризм, савдо ва сервис ривожига қўшимча туртки бўлади. Биз бу йўналишдаги ишлар юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олдик. Энг аввало, йўлни солаш, йўл атрофларида савдо ва сервис хизматини очиб, сайёҳларнинг қадами узилмайдиган Мираки қишлоғида меҳмон ўйлари қуриш ҳаракатлари бошланди. Шунингдек, Мираки — Хисорак — Фелон, Хисорак — Сувтушар, Хисорак — Сарчасма автомобиль йўллари ҳам асфальт қилинади.

## Матбуотнинг кучи — ҳолисликда

Юқорида зикр этилган ҳамма ютуқларимиз моҳияти очиклик, ошқоралик ва шаффофлик билан чамбарчас боғлиқ. Бугун жамият олдидаги масъулиятнинг, сўзига собитликнинг асл ўлчоғи бор. Бу оммавий ахборот воситаларидир.

— Интернетда, турли веб-сайт ҳамда "Telegram" каналларда эълон қилинаётган хабарлар омма диққатини тортаятгани рост, — дейди **Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Лола Саодатова**. — Лекин берилаётган ҳар бир хабар ёки мақолада адолат бўлса, ҳолис ва одилона ёндашилса, қилинган танқид бўлганга айланиб қолмас, нур устига нур бўлади. Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига расмий ташрифи чоғида бу ҳақда "қўнчилик менга оммавий ахборот воситаларининг "ёпишини" тақлиф қилмоқда, лекин мен буни ҳеч қачон қилмайман" деган фикрларни кенг жамоатчилик томонидан илқ қилиб олинди ва буни мен ҳам қўллаб-қувватлайман.

Юртимиздаги ўзгаришлар, Қашқадарёдаги янгиланишларнинг замирида ҳам фуқароларимизда ислохотларга дахлдорлик туйғуси кучайганлиги сўз ва матбуот эркинлиги тўғрисида юзага келаётган экан, интернет, веб-сайт, "Telegram" каналлари ва бошқа электрон оммавий ахборот воситалари бу имкониятларга ҳалоллик ва ҳолислик билан жавоб беришлари лозим.



Суратлар "Халқ сўзи" фотожаммасидан олинди.

# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ — БЕМИННАТ ҚУВВАТ МАНБАИ



## Юртимизда бу борада қандай ишлар амалга ошириляётир?

Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида қорхона ва ташкилотлар, муассасалар қуёш панеллари ўрнатишга киришди. Бунинг афзаллиги томонлари кўп. Масалан, бирор-бир ташкилотнинг бир йиллик электр энергиясига бўлган эҳтиёжи 500 минг киловатт ташкил қилса, қуёш панелларини ўрнатиш натижасида мана шу эҳтиёж 50 фоизга қисқаради. Ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Қарорга кўра 2023 йилда умумий қуввати 4300 МВт бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари ишга туширилади. Жумладан, 2100 МВт — йирик қуёш ва шамол электр станциялари, 1200 МВт — ижтимоий соҳа объектлари, ҳўжалик субъектларининг бино ва иншоотлари ҳамда хонадонларда ўрнатиладиган қуёш панеллари, 550 МВт — тадбиркорлар томонидан барпо этиладиган кичик фотоэлектр станциялар ишга туширилади. Шунингдек, 2023 йилда давлат-хусусий шериклик асосида 27 та йирик қувватли қуёш ва шамол электр станцияси қурилади. 20 мингта ижтимоий соҳа объекти ва давлат идорасида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилма-лари ўрнатилади. Жами 11 минг нафар тадбиркорнинг бино ва иншоотларида қуёш панеллари ўрнатилади ҳамда кичик фотоэлектр станциялари қурилади. 37 минг аҳоли хонадонда кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилма-лари ўрнатилади. Фойдаланишга топшириладиган 765 та кўп қаватли қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминланади. Худудларда 103 та кичик ва микро-гидроэлектрстанциялар барпо этилади. 5407 та ижтимоий соҳа объекти кўмир билан иситилади. 2023 йил 1 апрелдан республика ҳудудларида аҳоли хонадонлари-га кичик қувватли (умумий қуввати 50 кВтгача) қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш бўйича “Қуёшли хонадон” дастури амалга оширилади. Дастур дои-расида аҳоли томонидан қуёш панеллари орқали ишлаб чиқарилган ортиқча электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соати-га 1000 сўмдан субсидия ажратилади.

Қарорга кўра, шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг бино ҳамда иншоотла-рида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш бўйича масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Яшил энергия” компанияси ташкил этилиди.

2023 йил 1 апрелдан бошлаб умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар ушбу қурилмалар бўйича мол-мулк солиғи, қурилмалар билан банд бўлган участка-лар бўйича ер солиғи ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солигини тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, ўрнати-лаётган қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлган қув-ватга эга электр энергиясини сақлаш ти-зими билан ўрнатилган бўлса, ўн йил му-датга озоод этилади; 2023 йил 1 мартдан бошлаб ягона электр энергетика тизими-га уланishi учун берилган техник шарт-ларда кўрсатилган қувватдан юқори бўлмаган қайта тикланувчи энергия ман-балари қурилмаларини электр тармоқла-рига улашда қўшимча техник шарт олиш талаб этилмайди. Тадбиркорлик субъек-тлари ва хорижий инвесторларга: қайта тик-ланувчи энергия манбаларида ишлаб чи-қарилган электр энергиясини давлат ор-ганига ва (ёки) ҳудудий электр тармоқла-рига ўрнатилган тарифларда, бошқа



истеъмолчиларга ўзаро келишилган нархларда тўридан-тўри тўзилган, шу жумладан, узоқ мuddатли шартномалар асосида сотишга; бошқа шахсларга те-гишли объектларда ижара ҳуқуқи асосида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиб, ушбу қурилма-ларда ишлаб чиқарилган электр энер-гиясини сотишга рухсат берилади. Мар-казий банк ва тижорат банкларининг та-дбиркорлик субъектларининг қайта тик-ланувчи энергия манбалари қурилмаларини сотиб олиш ва ўрнатиш, тежамкор те-хнологияларни жорий этиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнининг энергия самара-дорлигини ошириш чора-тадбирларини молиялаштириш учун 2023 йил 1 мартдан бошлаб “яшил” энергия банк молия продуктини амалга қилиш тўғрисидаги тақлифи қўйлаб-қуватланади.

Кўриниб турибдики, қарор ижроси таъминланган юртимизда электр энергия тақ-чиллиги бўлмайди.

## Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати

Ўзбекистон — органик ёқилгиларнинг барча турини ишлаб чиқариш ҳамидан уч баробар ошадиган катта миқдордаги қайта тикланадиган энергия салохиятига эга мамлакат. Ўзбекистонда қуёш энер-гиясидан фойдаланадиган технологиялар катта истиқболга эга. Чунки қайта тик-ланадиган энергиянинг ушбу туридан бутун мамлакат ҳудудида йил давомида фой-даланиши мумкин. Қуёш энергиясидан фой-даланишни кўпайтириш мамлакатнинг, ай-ниқса, олис қишлоқ туманларида ҳам электр ҳамда иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжини бемалол қондиради.

Тан олиш керак, Ўзбекистонда электр таъминоти борасида муайян қийинчилик-лар дуч келинаётгани бор гап. Бу, ай-ниқса, аҳолининг 60 фоизи истиқомат қи-ладиган қишлоқ жойларида нисбатан сези-ларли. Шу боис электр станциялар, энер-гия етказиб берувчи ва тақсимловчи тар-моқларни модернизация ҳамда реконст-рукциялаш мамлакатда sanoatни ривож-лантиришнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Қайта тикланадиган энер-гетикани ривожлантириш энергия билан ишончли таъминлаб, уни етказиб бери-шдаги йўқотишларни анча камайтирган ҳолда, олис аҳоли пунктларида узоқ масо-фали электр узатиш линияларини барпо этиш заруратидан қўлулишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини электр энергия ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроғига ет-казиш мақсад қилинган. Бугунги кунда уму-мий қиймати 1438,7 млн. сўмга тенг электр энергетика, энергиятежамкор, муқобил энергия манбалари соҳаларга оид 4 та стартап лойиҳа амалга оширилмоқда. Бун-дан ташқари, 2020 — 2022 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида энер-гетика соҳасида умумий қиймати 1,88 млрд. АҚШ долларидан ортиқ бўлган жами 8 лойиҳа бўйича ишлар ташкил қилинган.

Соҳада тежамкорликка эришиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари ҳам мустақамланяпти. Шу мақсадда “Эн-ергиядан оқилна фойдаланиш тўғрисида”-ги, “Қайта тикланувчи энергия манба-ларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун-лар такомиллаштирилди. Мазкур йўналишни ривожлантиришга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилинди. Хусусан, 2017 йил 26 майдаги “2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривож-лантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва иж-тимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғри-

сида”ги, 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилна фойдаланишни таъ-минлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорларида бир қатор вази-фалар белгиланган. Шунга мувофиқ иқ-тисодиётда энергия ва ресурс харажати-ни камайтириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайти-риш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида энергия самарадорлигини ошириш каби устувор йўналишларда кенг қамровли иш-лар бажарилди.

Юртимизда “яшил” энергетикани ривож-лантиришга қаратилган қатор давлат даст-турлари амалга оширилди. Масалан, Навоий вилоятида ишга туширилган, қу-вати 100 мегаватт бўлган замонавий қуёш фотоэлектр станциясини олайлик. Нафа-қат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ушбу станция йилга 252 миллион киловатт-соат тоза электр энергия ишлаб чиқаришга қодир бўлиб, натижада 80 миллион куб метр та-биий газни тежаш, атроф-муҳитга 160 минг тонна зарарли “иссиқхона гази” тарқали-шининг олдини олиш имконини беради.

Мутахассисларнинг фикрича, юртимиз-да ана шундай ноёб қуёш фотоэлектр стан-цияларини қуриш ҳисобига жами 600 мил-лиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бу — мамлакатимизда мазкур манбага бўлган талабдан 8 баробар кўп дегани.

Ўтган йилнинг 20 декабрь куни Президентимиз Олий Мажлис ва халқи-мизга йўллаган Мурожаатномасида ҳам ушбу долзарб масалага тўхталиб, ма-вжуд муаммолар, уларни ечиш йўллари ва вазифаларни белгилаб берди. “Очиқ айтиш керак, — деди давлатимиз раҳба-ри, — энергетика соҳасидаги муаммолар бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Кўп йиллар давомида янги газ қонларига инвестиция қилинганлиги, электр ва газ тармоқлари модернизация қилинмагани ҳам айни ҳақиқат. Оқибатда, тизимда аниқ ҳисоб-китоб йўқлиги, катта йўқотишлар олдид қолга айланиб қолган эди. Шу билан бир-га, сўнгги олти йилда аҳоли сони 13 фо-изга, sanoat қорхоналари эса 2 баробар ор-тиб, 45 мингдан 100 минггага кўпайди. Натижада, электр энергиясига талаб ка-мида 35 фоиз ошди ва йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Иқтисодиётимиз бар-қарор ривожланиши учун энергетика со-ҳасига 25 — 30 миллиард доллар инвес-тиция керак. Бунга фақатгина хусусий инвестицияларнинг жалб қилиш орқали эришиш мумкин. Шу боис сўнгги уч йил-да соҳага 8 миллиард долларлик тўғри-дан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. Жумладан, декабрь ойи бошида Бухоро, Наманган ва Хоразмда қуввати 500 ме-гаваттлик яна 3 та қуёш станциясини қуриш бўйича танлов якунланди. Йил бошидан қуввати 1,5 минг мегаваттлик 7 та электр станцияси ишга тушди. Келгуси йилда яна 4,5 минг мегаваттлик 11 та йирик лойиҳа якунига етади”.

Шу билан бирга, кичик ҳажмдаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойда-ланиш кескин оширилди. Мисол учун, Тош-кент вилоятида Олмалик, Бекобод комби-натлари ва бошқа йирик қорхоналар ўз эҳтиёжлари учун минг мегаваттлик қуёш фотоэлектр станцияларини ўрнатса, йилга 2,5 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқарилади. Бу орқали Тошкент вилояти-нинг қарийб 30 фоиз электр истеъмоли таъминланади ва 500 миллион куб метр газ тежалди. Республиканинг ҳар бир ту-ман ва шарҳидаги хонадон ва қорхоналар-да жами 5 — 10 мегаваттлик қайта тик-ланувчи энергия лойиҳалари амалга ошири-лади. Умуман, келгуси уч йилда барча давлат ташкилотда қуёш панеллари ва иссиқ сув коллекторлари ўрнатилади. Ушбу мақсадларда 2 миллиард доллар миқдори-да инвестиция жалб қилинади. Бунинг ҳис-обидан уларнинг 60 фоиз электр ва газ истеъмоли “яшил” энергияга ўтказилади. Аҳоли хонадонларида эса қуёш панел-ли ўрнатишга ажратиладиган субсидиялар ҳажми 2 баробар кўпайтирилади.

Президентимиз 2022 йилнинг 24 фев-рал куни Қорақалпоғистон Республикаси-нинг Беруний туманида экологик тоза, қуввати 100 мегаватт бўлган шамол электр станцияси қурилишига тамал тоши қўйди. 108 миллион долларлик хорижий инвестиция ҳисобига барпо этиладиган ушбу энергетик иншоотнинг йиллик қув-

вати 360 миллион киловатт-соат бўлиб, лойиҳа натижасида 110 мингта хонадон қўшимча электр энергия билан таъмин-ланиши ҳисобига йилга 106 миллион куб метр табиий газ тежалишига эришилади.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратеги-ясида ҳам яқин истиқболда миллий иқ-тисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсши суръатларини таъминлаш билан бир қаторда, “яшил” иқтисодиёт технологияла-рини барча соҳага фаол жорий этиш орқ-али иқтисодиётнинг энергия самарадорли-гини 20 фоиз ошириш ва ҳавога чиқари-ладиган зарарли газ миқдорини 20 фоиз камайтириш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Шу мақсадда йирик қувватли қуёш фотоэлектр ва шамол электр стан-цияларини қуриш лойиҳалари амалга оши-рилмоқда ва гидроэнергетикани янада рив-ожлантириш давом этмоқда.

Хусусан, 2026 йилга бориб, мамла-катимизда электр энергия ишлаб чиқариш кўрсаткичини қўшимча 30 миллиард кило-ватт-соатга ошириб, жами 100 миллиард киловатт-соатга етказиш, ишлаб чиқариш қувватини жадал ривожлантириш учун за-монавий “яшил” ва энергиятежамкор те-хнологияларни жорий этиш, қайта тик-ланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш эвазига йилга қарийб 3 миллиард куб метр табиий га-зни тежаш белгиланган.

## Ишончли, қулай, тежамкор

Шубҳасиз, энергетика инсон ва жа-мият ҳаётида муҳим ўрин тутди. Инсоният цивилизациясининг ривожланиши фойда-ланилаётган энергия ҳажми ва турлари билан ҳар доим чамбарчас боғлиқ бўлган. XX аср давомида, айниқса, сўнгги 40 йил ичида энергиядан фойдаланиш миқдори анча ошди. Бу эса атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки иқлимнинг дунё миқёсида глобал исиб кетиши ёқилгининг органик турларидан фойдаланадиган ис-сиқлик электр станцияларининг ишлаши натижасида юзага келадиган, шунингдек, тобора кўпайиб бораётган ички ёниш ди-вигелларнинг атмосферага чиқараётган газлари билан бевосита боғлиқ. Кейинги 40 йилда бутун инсоният тарихидангидан қура кўпроқ органик ёқилғи қазиб олинди. Жорий юз йиллик ҳам бундан мустасно эмас.

Бугунги кунда дунёда ёқилгидан фой-даланиш миқдори йилга 12 миллиард тонна нефть эквивалентини ташкил эта-ди. Органик ёқилғига бўлган талаб эса жадал суръатларда янада ортиб борае-ради. Нефть, табиий газ, кўмир ва уран каби қазиб олинмаган ёқилғи турлари айни пайтда жаҳон энергетика баланси-нинг негизини ташкил этади ва яқин ке-лажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Вахо-ланки, ушбу ёқилғиларнинг ресурслари уларга ишлов бериш ҳамда фойдалани-лиши сабабли тобора камайиб бормоқ-да. Энергия ресурсларидан ҳозирги фой-даланиш миқдори даражасида жаҳонда нефть захираси 45 — 50, табиий газ 70 — 75, тошкўмир 165 — 170, кўнғир кўмир 450 — 500 йилга ва ядро ёқилғиси эса нисбатан кўпроқ йилларга етади.

Шунинг учун дунё миқёсида муқобил энергия манбаларига мурожаатлар ош-ган. Масалан, қуёш энергияси. Қуёш Ер-даги асосий энергия манбаи ҳисоблана-ди. Чунки ҳар йили сайёрамизга тахми-нан 173 ПВт (ёки 173 миллион ГВт) қуёш энергияси тушади, бу эса глобал энергия-га бўлган эҳтиёждан 10 минг баравар кўпроқдир. Айни пайтда Европа Иттифоқи мамлакатларидаги бутун электр манбаи-нинг 23 фоизи қуёш электр станциялари ҳисобидан олинган. Бунинг эвазига 12 миллиард доллар тежалган.

Умуман олганда, дунё мамлакатлари

Демак, давлатимиз раҳбарининг қарори асосида бу борада бошланган ишлар мисоли янада кенгайтириб, самарадорлиги эса ортаваради. Қарор асосида мамла-катимизда аҳоли, қорхона ва ташкилотлари узуқлиқ электр энергияси билан таъ-минлашнинг истиқболли лойиҳалари амалга оширилиб, бунда битмас-туганмас энер-гия манбаидан фойдаланиш устувор этиб белгиланган.

Глобал миқёсда олганда, бу — қуз ўтиб қишни ўйлашга эмас, балки тобора захира-си камайиб кетаётган анъанавий энергия ресурслари ижирозига олдндан тайёргарлик-дир. Қолаверса, “яшил” энергетика мамлакатимиз иқтисодиёти ривожини жадаллаштири-ши баробарида атроф-муҳит муҳофазаси йўлида жиддий қадам ҳисобланади.

Садриддин ТУРОБЖОНОВ, Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори, техника фанлари доктори, техникка фанлари доктори, профессор.

қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш бўйича ўз олдига улкан вазифалар қўйган. Мақсадлар, шунингдек, Париж ке-лишувининг бир қисмига айланди — 2030 йилга бориб, углеродсиз ечимлар глобал чиқиндиларнинг 70 фоиздан орти-гини ташкил этадиган секторларда рақо-батбардosh бўлиши мумкин. Бунга муқо-бил энергияга ўтиш — кўмир иқтисодиё-тини қайта тикланадиган энергия билан алмаштириш жараёни орқали амалга оши-риш режалаштирилган. 2020 йилда пан-демия ва иқтисодий таназзулга қарамай кўп-лаб шахарлар, мамлакатлар ва ком-паниялар декarbonизация режаларини эълон қилишда ёки амалга оширишда да-вом этди. Айниқса, Ҳиндистон 2021 йилда қайта тикланадиган энергияни ривож-лантиришга катта ҳисса қўшди. Бу ерда шамол ва қуёш энергияси бўйича қатор лойиҳалар ишга туширилди.

Европа Иттифоқида, ҳатто пандемия шaroитида ҳам “Яшил” битим лойиҳаси унутилмади. Лойиҳанинг мақсади — 2030 йилгача Европа Иттифоқида угле-родсиз маконни яратишдир. Шу мақсадда “иссиқхона газлари” чиқиндиларини 1990 йил даражасидан 40 фоизга қис-қартириш, қайта тикланадиган манба-лардан олинмаган энергия улушини умумий энергия истеъмоли таркибида 32 фоизга етказиш режалаштирилган.

Еврокомиссия маълумотларига кўра, йиллик 260 миллиард евролик инвестиция-лар ёрдамида бу мақсадларга эришиш мумкин бўлади. Айни пайтда қайта тик-ланадиган энергетикани ривожлантиришга сармоя киритиш бўйича етакчи давлатлар — Хитой, АҚШ, Япония ва Буюк Британия-дир. “BloombergNEF” ушбу маълумотларни кузатишни бошлаганидан бери шамол, қуёш, биоёқилғи, биомасса ва чиқиндилар ҳамда кичик гидроэнергетикага гло-бал инвестициялар деярли бир даражага ошди. Йиллик асосда тоза энергияга инвестициялар 20 йил ичида 33 миллиард доллардан 300 миллиард долларга ортган.

Хитой ўн йил ичида қайта тикланадиган энергия ускуналари бўйича етакчи ишлаб чиқарувчига айланди. Қуёш панеллари ҳақида гап кетганда, дунёдаги энг яхши 10 та қуёш батареяси ишлаб чиқарувчи-сидан еттичаси Хитой компаниялари эка-нини таъкидламоқ ўринлидир.

Сирасини айтганда, технологияларнинг ривожланиши қайта тикланадиган энер-гия манбаларининг янги объектларини қуриш харажатларини пайсатирди. Япония, Жанубий Корея, Янги Зеландия ва Буюк Британия 2050 йилгача фақат ТЭМдан фой-даланишни режалаштиришмоқда. 2020 йил sanoat инқилобидан кейин Буюк Британия электр тармоғи учун энг “яшил” йил бўлди. 67 кун давомида кўмирсиз яшай олди. Мамлакат 2025 йилга бориб анъанавий энергия манбаларидан воз кечишни режалаштирмоқда.

Испанияда ҳам ТЭМ фаол ривожлан-моқда. Башоратларга кўра, мамлакатдаги қуёш энергияси сектори Германиядагига қараганда икки баравар тез ўсади. 2020 йил-да Шотландия электр энергиясининг 97 фоизини қайта тикланадиган манба-лардан олди. Ишлаб чиқарилган “яшил” энергия ёрдамида 7 миллиондан ортиқ хо-надонларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш мумкин бўлди. Шот-ландия 2030 йилга бориб, углерод гази-дан нейтрал бўлишни режалаштирмоқда.

Хўш, биз бу мисолларга нега мурожа-ат қуляемиз? Чунки қайта тикланадиган муқобил манбалар мамлакат унинг ҳавф-сизлигини таъминлаш, энергия самара-дорлигини ошириш ва иқтисодиёт тармоқ-ларини барқарор энергия билан таъмин-лаш ишга хизмат қилади. Эеро, кела-жакда иқтисодиёт тараққиётини инноваци-он технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу йўналишда эса муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ало-ҳида аҳамиятга эга.

## «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси

## ЯПОН СОФОРАСИДАН ШАРҚ ТУЯСИГАЧА

Оролбўйи минтақасида эволашган Хоразм воҳасида экологик барқарорликни сақлаш, атроф-муҳит муҳофазалигини таъминлашда яшил ҳудудлар жуда муҳим. Шу боис вилоятда ҳар йили кўчат экиш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилади.

Жорий йил баҳор фаслида ҳам воҳа бўйлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 9 миллиондан ортиқ мевали ва манзарали да-рахт кўчатларини экиш режалаштирил-ган. Айни кунларда барча шахар ва туманларда ҳудуднинг иқлим шароити-га мос япон софораси, шумтол, қай-рағоч, павловия, терак, заранг, ака-ция, Шарқ туяси каби дарахт кўчат-лари ўтказилмоқда.

Урганч туманида кўчат экиш тад-бирларини белгилашган агротехноло-гия талабларига доир ўтказилган бўйи-ча кўрсатмалар семинар ташкил қилин-ди. Ҳўш кўчатларни ҳар бир ҳудуд-нинг табиий шароитидан келиб чиқ-қан ҳолда танлаш, суғориш тизимини йўлга қўйиш ва парваришлаш билан боғлиқ тавсиялар берилди.

“Яшил макон” электрон платфор-масига вилоят ҳудудида экилган барча мевали ва манзарали дарахт кўчат-лари тўғрисидаги маълумотлар кири-тиб борилмоқда.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

## ТЎҒҚИЗ МИЛЛИОН ТУПДАН ЗИЁД КЎЧАТЛАР ЭКИЛАДИ

Андижон вилоятида ҳам ҳудуд иқлими ва tupроқ шароитига мос дарахт, бута ва гул кўчатларини экиш, уларнинг илдиш отиб, кўкча буй чўзиши учун парваришни тўғри йўлга қўйиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратиляпти.



Табиат ресурслари вазирлиги-нинг Андижон вилояти бошқармаси томонидан уюштирилган навбатда-ги тадбирда юзлаб ҳамюртларимиз қатнашди.

— Андижон — Кулла магистраль автомобиль йўли, асосан, адирлик-лардан иборат бўлиб, вилоят марказини Булоқбоши тумани билан боғ-лайди, — дейди бошқарма бўлим бош-лиги Мансурбек Тўхтабоев. — Айни кунларда йўл четларида 500 туп па-вловия ва қайрағоч кўчатлари ўтказил-ди. Худуд адирликдан иборат бўлгани туғайли сунъий суғориш тизимидан фойдаланиш қўзда тутилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиб ўти-ш жоизки, жорий мавсумда вилоят бўйи-ча 9 миллион тупдан ортиқ кўчатла-рини экиш мўлжалланган.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

## «ХАРГЎШ» ҚАНДАЙ ҚИЛИБ «ХАЙРХУШ»ГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ?

Бухоро шаҳридан чиқиб, Вобкент тумани ҳудудига кирган маҳал йўл ёқасида «ХАЙРХУШ» қ. ёзувига кўзингиз тушади. Гап шундаки, бу йўл чамаси 3-4 километрдан сўнг қадимий Харгўш қишлоғига элтади. Шундай экан, “Харгўш” нега “Хайрхўш”га айланиб қолди?

## Таассуф

Бизнинг шу саволимизга жавобан “Хайрхўш” маҳалла фуқаролар йиғинида-гилар қўлимизга халқ депутатлари Воб-кент туман Кенгашининг 2020 йил 23 сен-тябрьдаги қарорини туғқазилди. Туманинг ўша пайтдаги ҳокими, халқ депутатлари туман Кенгаши собиқ раиси Б.Бафоев имзоси турган ушбу ҳужжатда “Пахтакор” маҳалла фуқаролар йиғини номи “Хайр-хўш” деб ўзгартирилсин дейилган ва асос сифатида Географик объектларга ном бе-

## «ХАРГЎШ» ҚАНДАЙ ҚИЛИБ «ХАЙРХУШ»ГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ?

риш масалаларини мувофиқлаштирувчи Бухоро вилояти комиссиясининг 2020 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикаси “Давергеодезкадастр” қўмитасининг 2020 йил 18 августдаги географик объект-ларга ном бериш ёки уларни қайта ном-лаш тўғрисидаги тақлифларнинг қонун ҳў-жатларига мувофиқлиги ҳақида эксперт хў-лосасини юбориш тўғрисида”ги ҳулосаси тилга олинган.

Қизик, “Харгўш” ва “Хайрхўш” атама-лари қанақа маънони беради? Биз бунга ойдинлик киритиш масала-сида Бухоро тарихининг билимдонлари-дан бири, ЎзФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари до-ктору, шарқшунос-манбаашунос Комилжон Раҳимовга мурожаат қилдик. — Топонимика, жой номлари жуда нозик, чуқур ўрганишни, ҳулосага шо-шилмаслиқни талаб қиладиган масала, — дейди К. Раҳимов. — Сиз юқорида қадимий Харгўш қишлоғини тилга ол-дингиз. Чиндан ҳам, Харгўш юртимиз-нинг қўхна манзилларидан саналади. Бу ерда тасаввуф билимдонларидан бири Абу Саъд Харгўший яшаб ўтган. Ас-Самъонийнинг “Ал-Ансоб” (“Анаба-нома

# МЎЪЖИЗАКОР, БЕБАҲО БАДИЙ ҚОМУС



— Санъатнинг этагидан тугган ҳар қайси ижодкор мақомчи бўла оладими?..

— Ҳар қайси ижодкор мақом ашулаларни айтиши мумкин, бироқ бу ижод маҳсуллари санъат ихлосомандлари қалбидан қанчалик жой олмади — мана шу масала ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мақомчида Яратган эгам юқтирган истеъдод, кўнгилга солган дарад бўлмаса, қанчалик фақуллодда меҳнаткаш ва ўз устида кўп ишлайдиган бўлмасин, юксак чўққиларга кўтарилуви қийин. Санъатнинг бебаҳо кучи, моҳияти ҳам шунда аслида: унда илоҳийлик бор. Қўлб ёрм асрдан буюн ижод қилиб, жуда кўп ёшлар билан ишладим, талабаларга дарс бердим ва англадимки, мақом қиллашда истеъдод биринчи ўринда туради.

— Сизни нафақат санъаткор, балки мақомчилик илми билан шуғулланган олим сифатида ҳам биламиз. Айтинг-чи, ушбу санъат ривожига бугун қандай муаммолар бор? Уларни бартараф этиш учун нима қилишимиз керак?

— Ҳар бир соҳа тараққиётида илм-фан ривожига асосий омилдир. Жумладан, мақомчилик ҳам. Кейинги йилларда ушбу санъатни илмий асосда юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда Халқаро мақом санъати анжуманини ташкил этиш, унинг доирасида илмий конференциялар, анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказиш аҳамиятга айланди. Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти очилди. Натҳажа, мақом ва бахшчилик санъати соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими тубдан такомиллашди, таълим жараёнига ўқитушни инновацион шакл ва методлари ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологиялари кенг жорий этиляпти, соҳа мутахассисларининг илмий салоҳияти янада ошиб бормоқда.

Соҳада назарияни янада ривожлантириш жуда долзарб. Чунки тизимда ечимини кутаётган масалалар талайгина. Масалан, мақом, хусусан, Бухоро Шашмақоми ҳақида, айниқса, унинг тизилиши борасида турлича қарашлар мавжуд. Шашмақомни икки қисмга — мушкулот ва насрога ажратдилару кўп ҳолларда насро бўлимига алоҳида урғу беришади... XX асрнинг етуқ қомусий олимларидан бири Абдурауф Фитрат “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” номили рисолидада ўзбек мусиқасининг асосий, ажралмас бўлақларидан бири Шашмақом ҳақида қимматли фикрларни баён қилган.

Унинг ёзишича, Шашмақом таркибига кирувчи олти мақом ва асосий куйлар уч қисмга бўлинади. Бизнинг классик мусиқамиз Шашмақом, деб юритилган олти қатор куйлардан иборатдир. Назарий таҳлил нуктаи назаридан ҳам ўзбек мусиқаси тараққиётида мақоматнинг аҳамияти катта. Мақоматнинг умумий ривожига Бухоро Шашмақоми муҳим ўрин эгаллайди. Олим Исоқ Ражабийнинг айтишича, Тошкент — Фарғона мақом йўлидаги ашулаларнинг деярли барчасида Бухоро Шашмақоми мактаби таъсири сезилади. Шунингдек, мақом мушкулотларини тинглаганда руҳ сокинлашади, фикр тиниқлашади. Инсон жониб садолар бағрига сингиб кетгандек бўлади. Ҳазрат Алишер Навоий:

*Эй муғаний, баски  
ийлатгайсан элни базм аро,  
Гар Навоий оҳи бирла  
нағмани соз эткисен,  
дея бежиз лутф қилган эмас.*

Айни вақтда олимларимиз олдида турган долзарб масалалардан бири — Шашмақомнинг барча қирраси акс этган видео ва аудио ёзувларни шакллантиришдир. Бунинг учун мақом марказларида мумтоз чолғу куйлари, мушкулот, мансур таркибига кирувчи барча ашулаларни юрадиганларнинг мушкулони осонлик билан еча оладиган бир ансамбль тузишга, мақсадга мувофиқ иш бўларди. Мусиқашунос олим Исоқ Ражабов талабалар хузурида бир гапни кўп таққорлар экан. Яъни мақом бамисоли бўз ер, унга қанча ишлов берсанг, шунча кўп ҳосил оласан. Тақрибاً етарли, илмий-ўқувчи, амалий назария бор. Хонандалик ва созандалик амалиётининг энг гузал намуналари ҳозир ҳам сақланмоқда. Барчасини тўплаб, мақомчилик ривожига йўлида фойдалана олсак, олим таъкид-

лаганидек, бўз ер янада обод бўлиши табиий.

— **Бир вақтлар “Мақомчиликнинг кун битмоқда, замонаг мослаша олмапти” қабилидаги гаплар айтилган. Афсуски, бугун ҳам эшитиш мумкин бўлган бундай таъналарга сизнинг жавобингиз...**

— Мана шунақа гапларни эшитсам, бирдан юрагим музлайди. Чунки мақомчилик мен сингари жуда кўп ижодкорларнинг тақдирини десам, муболага эмас. Мен санъатга болаликдан оқиб боғланганман. Мақомчиликнинг “кун битиши” ёки “гуллаб-яшнаш” оиладаги муҳитга боғлиқ деб ўйлайман. Чунки анъана халқ бадийи тафаккурда пишиб етилади, авлоддан авлодга ўтади. Бу жараёнда анъаналарнинг илдизлари оилага бориб тақалади. Улкан эътибордан баҳра олади. Маълум йиллар илгари жуда кўп оилалар мумтоз санъатининг асл моҳиятини англади эди. Натҳажа, ушбу оиланинг фарзанди ҳам санъатни тушунадиган бўлиб вояга етган. Бугун эса мана шундай оилалар бармоқ билан санарли. Шу боис кулгимизга “Мақомчиликнинг кун битди”, деган гаплар қалинб ўтди. Шунингдек, ўтган асрданг кескин ўзгаришлар, аср сўнгига бошланган ва ҳамон давом этаётган глобаллашув сингари оламшумул жараёнлар нафақат ўзбеклар, балки бутун сайёрамиз аҳли тафаккурдаги туб янгиланишларга сабаб бўлди.

Шукри, юртимизда бебаҳо маданий меросни асраш ва ривожлантиришга давлат миқёсида эътибор берилмоқда. Шу билан бирга, соҳани янада раванқ топтириш учун қиладиган ишларимиз хали кўп. Мисол учун, оҳангнинг замон талаб этаётган мароми ва бошқа омилларни ҳам илмий таъкид этиб, тегишли хулосалар чиқариш фурсати келган. Мақомчилик бугун янги аччи яшаш шаклига кириб бормоқда. Халқимиз санъатсавор. Талаб ҳамда эҳтиёж бор экан, у яшайверади.

Юқоридаги “иддао”ларга тўхталадиган бўлсам, аввало, бундай гаплар санъатни англамайдиган, уни семаяйдиган инсонлардан чиқши мумкин. Бир йил хизмат сафарини билан Францияга бордик. Саҳнада мақом ижро этилган. Биринчи қаторда

мурожаат қилиб, ундан уйига келиши ва мақом ижро этиб беришини сўрашибди. Санъаткор аёл рози бўлиб, маълум вақт уларнинг уйда бўлибди. Кетиш чоғида ҳам уларга мақом аудиоёзуви туширилган диск совға қилибди. Орадан йиллар ўтиб, ўша санъаткорнинг уйига Америкадан хат келибди. Бу хат ўша касал ҳолатида мақом тинглаган аёлдан экан. Хатда у соғайиб кетганини ва бунга мақомнинг соҳир куйи, юракларини жимирлатадиган оҳанг сабабчилигини қайта-қайта таъкидлаган экан. Шунингдек, оҳангнинг ўзи ҳам мақомга эътибор дунёда қай даражада юқори эканлигини намоён этади.

— **Мақомчиликда ёш истеъдодларни камолга етказишда қандай вазифалар олдимизда турибди?**

— Жан Пиаже “Ҳар бир бола ўз интелективнинг меъморидир”, дейди. Кўринадики, шахсни шакллантиришда ижтимоий муассасаларга ортиқча юк ортиш хато. Тўғри, одамнинг шахсга айланишида атроф-муҳит муайян ўрин тутди. Лекин у истеъдодларни шакллантиришда ягона омил эмас. Яъники, истеъдоднинг камолга етказиш учун, аввало, ёшларимиз ўз устида тинимсиз ишлаши керак. Бу масаланинг асосий ва биринчи жиҳати. Иккинчиси, иқтидорнинг, қувватнинг ўз ўрнида юзага чиқшига илҳомлантирувчи, унга куч ва шариқ туғдирувчи яхлит бир тизимнинг мавжудлиги. Албатта, бундай тизимсиз ҳам максимал натижага эришиш қийин. Чунки ижодкорни моддий манфаатга бориб тақуллаш оғир тошлар эзиб қўйиши мумкин.

Бугунги кунда юртимизда ёшларимиз учун яхлит тизим ҳам, илҳомлантирувчи куч ҳам етарли. Соҳада етуқ кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилляпти. Зеро, доно халқимиз айтганидек, тарбияланган бўлиши керак. Бу борадаги ишларда Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 6 апрелдаги “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги қарорлари муҳим дастуриламал бўляпти. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 майдаги “Мада-

кадрига етмаганиз деб ўйлаб қоламан. Чунки ўқиш тугаши билан рўзгор дая ўйга ёки ишга шошар эдик...

Раҳматли устозларимизнинг барчаси ўз ишининг моҳири эди. Кўшиқни қандай ҳис қилишдан тортиб, ҳаётнинг пасту баландида қандай йўл тутиши-да ўргатган. Бу зотлар мақомчилик ривожига туганмас хисса қўшган. Мисол учун, устозим Орифхон Ҳотамовнинг “Ушшоқ”, “Гиря” туркумлари яратилган меҳнатини ҳеч қандай қиймат билан тенглаб бўлмас. Бундан ташқари, Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Уста Олим Комиллов, Аҳмадхон Умрзоқов, Фахриддин Содиқов, Комилжон Отанизов, Мухаммадхон Мирзаев каби устоз санъаткорларнинг ҳар бири ўз мусиқий ижод йўлини яратган.

— **Устозларингизни эсладингиз. Уларнинг бугунги издошлари ҳақида фикрларингиз қандай? Улар улугларимиздек санъатнинг асл фидойилари бўла оладими?**

— Шукри, бугун ҳам кўксиди лаҳча чўғи бор, халққа хизмат қилиши ҳаёт тугузига айлантирган ёш санъаткорлар улғаймоқда. Барчаси ўз устида тинимсиз ишлайди. Кувонарлиқ, уларнинг мақсади холис. Бу жуда муҳим омил. Ёшлигимизда “Эстрада йўналишида ижод қилинг, унда пул яхши, тез таниласиз, қўйинг шу мақомни” деганлар ҳам бўлган. Лекин менда эзгу ишга хайрихоҳлик, субутда қатийлик, аждодлар меросига содиқлик, мақсадга интилиш тўғрисида устуворлик қилди. Ҳолбуки, бу ақсар ҳолларда қулайликдан воз кечиб, манфаатдан юз ўгириб, фойдадан тийилишни талаб этади.

Бугун санъатни пул топиш, уй қуришдек жўн мақсадлар учун танламаган шоғирларимиздан умидимиз катта. Мисол учун, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодирабегим Пирматова, Гулзодахон Худойназарова каби ёш санъаткорлар мақомчилик поғоналарини аста-секин забт этиб келмоқда. Демак, халқимизнинг маданий ҳаётида янада давом этади.

— **Бугун атрофимизда хомхатала асарлари билан тез-тез кўриниш берадиган ижодкорлар кўп. “Маблаг бўлса, бас, қўшиқ тайёр” дея санъатни пул билан улғайдиганлар ҳам экан. Афсуски, уларни эшитадиганлар ҳам бисёр. Тан олиш керак, баъзи юртдошларимиз “маънавий ялқов” бўлиб қолган. Яъни мақомлардан маъно уқиб, уни тушунишдан кўра маза-матрасиз қўшиқларни тингилган афзал билади. Бундай эрмакталаб издиҳомни закий санъат ошноларига айлантириш йўли борми?**

— Деҳқон ерга доң сочар экан, қайси уруғи унингнинг аниқ билмайди. Лекин ҳосилдан умид қилади. Мурод — ҳосилда... Тўғри, тупроққа доңга қўшиб ёввойи ўт-ўлан уруғларини сочаётганлар ҳам кўп. Ҳосил қўтирилганда уларга қўй чўзилмаса ёки пишимай туриб юлиб ташланса, улар аста-секин йўқ бўлиб кетади. Лекин атрофимизда беўхос қўшиқларнинг қўлайлишига хайрихоҳлар ҳам бордек. Улар ана шундай нағмаларни эшитишда, хатто талаб қилади. Бозор қўниятига кўра, талаб бўлмаган жойда тақлиф ўзини оқламайди. Гўё алжирасдек туюладиган маҳсулотларга ишқубозлик уларнинг яратувчиларини рағбатлантирмақда.

Бир вақтлар қўшиқлар матню оҳанглар жиқисини тингловчиларнинг ўзи яқши билишарди. Хатто бундай бадийи диди анча камол тоған ўқувчилар учунгина тушунарли бўлган газаллар мағзини чақа оларди. Хўш ҳозир-чи? Аҳвол бутунлай бошқача. Биз бирон жойга хизматга ёки тадбирларга бормоқчи бўлсак, албатта, дафтарларга ёзилган газалларимизни кўздан кечириб, хатто қилмаслика тиришар эдик. Чунки муҳлисларимиз айтадиган газалларимизни ёд билар, хатто қилсак, тўғрилар, уялириши ҳам мумкин эди. Бугун эса қўшиқ айтилган деб кўп ҳолларда фақат оғиз кимирлатиб турганга ҳам эътироз йўқ. Аксинча, уни оқиллашар экан, муҳлислик даражаси савия жиҳатидан настулаб бормоқда, демоқликдан ўзга чорамиз йўқ.

Мана, шундай мураккаб вазиятда мақом ашулаларни муҳлислар қандай қабул қилишади?! Таасуфки, кўнгилдангдек эмас. Чунки уларнинг бадийи диди, қалби бундай наволарни “ҳазм” этолмайди. Муҳлисиз санъат эса қаноти синган қуддек ожиз, у юксакларга парвоз қилолмайди. Шундай экан, аввало, санъатни юқори савияга чиқармоқчи бўлсак, тингловчилар савиясини кўтаришга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

**Муроджон РАҲМАТОВ**  
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

## Мушоҳада

Тарих гувоҳ; таълим, илм-маърифат гуллаб-яшнаган мамлакатларда ҳар бир соҳада юксалиш, тараққиёт рўй беради. Шонли ўтмишида икки Ренессансни бошдан кечирган заминимизда ҳам азалдан илм-фан раванқига алоҳида эътибор билан қаралган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий тоған мамлакатлар даражасига кўтариш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги орзу-мақсадларга эришиш йўлида барча соҳани жадал ислоҳ қилиш, илм-маърифатни ривожлантириш ва инновацияларни ҳаётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Учинчи РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

### Уни яратишда илм-фаннинг аҳамияти беқиёс.

Давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис ва халқимизга йўлланган Мурожаатномада 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном берилиб, инсон қадрини таъминлаш, таълим, илм-фан соҳаларини янада юксалтириш юзасидан устувор вазифалар белгиланган бу борадаги ишларни янги босқичга кўтармоқда.

Кейинги йилларда юртимизда илмий кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, олимларга катта имкониятлар яратилляпти. Илмий изланишлар учун тегишли маблағлар ажратилмоқда. Илмий даража ва илмий унвонларни олишдаги турли бюрократик тўсиқлар олиб ташланмоқда.

Аслида ҳам, моддий томондан таъминланган ҳар бир олим илмий изланишлардан қалғмайди, ўз фанига ҳар томонлама таҳлил билан қарашга, янгиликлар, илгор инновациялар яратишга интилади. Ҳаётга ва келажакка ишонч кўзи билан қарайди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш жараёнларига замонавий технология ва техникалар жорий этиш, ҳар бир соҳада илм-фан ютуқларидан тўла фойдаланиш мақсадида тизимли ишлар йўлга қўйилди. Фаннинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини замон талаблари даражасига кўтариш имкониятлари изланмоқда. Кимёвий илмлар, тиббий, гуманитар фанларга оид билимлар бўйича эришилган натижалар амалиётга таътиб этилмоқда.

Илмий ишлари ишлаб чиқаришда самара бераётган олимларга, айниқса, ёш олимларга PhD, яъни фалсафа доктори, фан доктори даражасини, профессорлик унвонини бериш бўйича илгирдан мавжуд бўлган чекловлар, сунъий тўсиқлар олиб ташлангани босиб ёшларнинг илмга бўлган қизиқиши кўчайди.

Очилишни айтганда, бир вақтлар шундай вазият пайдо бўлгандики, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вазифаси нимадан иборатлигини ўша ерда ишлайётганларнинг ўзи ҳам етарли тушунмас эди. Чунки илмий изланишлар амалиётга таътиб қилинмасди, ҳаммаси қозғоғда қолиб кетарди. Бу эса олимларда ҳафсаласизликни юзага келтирганди. Илмий таъкидотларда олимлар олаётган машо арзимас бўлгани сабабли соҳани янги авлод мутахассисларининг қирғиб келиши ўта жобисиз бир ҳолга тушганди. Бироқ кейинги йилларда шароит тамомла ўзгарди.

Илмга қўлпаб ёшлар ўз ихтиёри, қизиқиши билан катта мақсад ва марраларни олдига қўйиб интиломоқда. Бугун илмий даражага эга бўлган олимларнинг ошонига 30 — 60 физик устамалар тўланяпти. Илмий таъкидотларда илмий даражага эга бўлиш суръатлари ўсмокда.

Давлатимиз раҳбарининг Фанлар академиясига, илм-фанга бўлган эътибори, академия ва унинг таркибидagi илмий-таъкидот институтлари фаолиятини тиклаш борасидаги сай-ҳаракатлари туфайли бугун салоҳиятли олимларимиз томонидан тақдим этилган ишланмалар халқ ҳўжалигини ривожлантиришга йўналтирилмоқда ва катта натижалар бермоқда.

Жорий йилда Фанлар академияси таъкид этилганига 80 йил тўлади. Ўтган йиллар давомида нафақат республикамизда, балки дунё мамлакатлари доирасида эътироф этилган, улкан аҳамиятга эга бўлган қўлпаб каш-фиётлар, илмий қўлланмалар яратилди, олимларимизнинг илм соҳасидаги ютуқлари хорижда ҳам амалиётга жорий қилинди.

Агар реал фактларга, мавжуд статистика ва рақамларга суянандиган бўлсак, бугун ҳам Ўзбекистон илм-фани янги поғонага кўтарилляптгани, аниқ ва ижтимоий-гуманитар фан кесимларида олимларимиз, айниқса, ёшлар катта муваффақиятларга эришяётганини кўраемиз.

Фанлар академиясига сўнгги уч йилда Давлат бюджетидан деярли 800 млрд. сўм ажратилди, олимлари-

мизнинг маоши эса бир неча баробар оширилди. Академия илмий-таъкидот муассасалари ходимларининг ойлик маошлари тўлиқ бюджетдан молиялаштиришга ўтказилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 53 та олий таълим муассасасининг 400 та ўқув лабораторияси замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан босқичма-босқич жиҳозланмоқда.

Фанлар академиясининг Математика, Иммунология ва инсон геномикаси, Ўсимлик моддалари қимёси, Астрономия каби илмий таъкидотларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Улар бугунги кунда дунёдаги энг замонавий илм масканлари билан тенглаша оладиган муассасасга айланди.

2016 йил кесимида Фанлар академияси тизимидagi фан докторларининг ўртача ёши 67,2, фан номзодлари эса 58,1 ёшга ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, мамлакатимизда соҳага қаратилган эътибор, моддий қўлпаб-қувватлашлар натижасида ёшларнинг илмга кириб келиши ҳам кескин ортди. 2022 йил январь ҳолатига кўра, Фанлар академиясида фан докторларининг ўртача ёши 63,3, фан номзоди — фалсафа докторлари эса 50,1, умумий ходимларнинг ўртача ёши эса 45,6 ёшга ташкил этди. Моддий рағбат қўлайтирилгани босиб стажёр-таъкидотчилик, таянч-докторантурага талабгорлар кўпайди. Шунга мос равишда ушбу босқичлар учун квота микдори 2 баробар оширилди.

Фанлар академияси томонидан 20 дан ортиқ илмий журналлар чоп этилмоқда, олимларимизнинг илмий ишлари натижалари нуфузли халқаро илмий нашрларда эълон қилиляпти. Академиянинг расмий веб-сайти тизимда олиб борилаётган илмий аниқликлар ва ислохотлар билан мунтазам таништириб боради.

Академиядан машҳур олимлар етишиб чиққан. Бу олимларни халқаро миқёсда билишди, танишди, ҳурмат қилишди. Мисол учун, мамлакатимиз фахри бўлган академик Шавкат Аюлов раҳбарлигида фаолият юритаётган Фанлар академиясининг В. Романовский номидаги Математика институти математик таъкидотларнинг жаҳон даражасида эътироф этилган марказлардан бирига айланган. Институтида математика соҳасида илмий мактаблар шаклланди ва улар муваффақиятли ривожланимоқда. Қатор математиклар эса нуфузли Бунтухон фанлар академияси (TWAAS) аъзолигига сайланган. Улар Бонн, Кембриж, Париж, Сеул, Сантьяго де Компастела университетлари ва бошқа илмий марказларнинг олимлари билан биргаликда қўшма илмий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бугунги кунда институт илмий ходимлари учун барча шароит яратилган бўлиб, замонавий илм қуриб берилган.

Фикримизча, Фанлар академияси таъкид этилганининг 80 йиллиги муносабати билан пойтахт туманларидан бирида олимлар хўжалиги ташкил этилса, атоқли олимларимизнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-оммабоп фильмлар яратилса, шу билан бирга, Чўлпонор туманида ўрнатилган Мухаммад ал-Хоразмий хайкали Фанлар академияси ҳудудига қўчириб олиб келинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, Фанлар академияси сайловларида уч даражали академик унвонини тайёрлаш, бунда бажарилган илмий таъкидот ишларининг натижалари хориж мамлакатларида эътироф қилинган ва рақамларга суянандиган бўлсак, бугун ҳам Ўзбекистон илм-фани янги поғонага кўтарилляптгани, аниқ ва ижтимоий-гуманитар фан кесимларида олимларимиз, айниқса, ёшлар катта муваффақиятларга эришяётганини кўраемиз.

Фанлар академиясига сўнгги уч йилда Давлат бюджетидан деярли 800 млрд. сўм ажратилди, олимлари-

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимизнинг улугвор қудрати ҳисс учун ҳозирги замонада Ўзбекистонда янги бир йўналиш — учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда. Ана шу буюк ўзгаришлар, орзу-умидлар рўйбиди илм-фан раванқи ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

**Неъматилла МҮМИНОВ,**  
техника фанлари доктори, профессор.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 341. 21 345 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлб оқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўбемалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг подлиграфия аҳдатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.  
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. Топширилди — 4.05 1 2 3 4 5 6